

## Расулulloҳ сизни бир бор кўрсайдим... (учинчи мақола)



11:55 / 01.11.2019 2762

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларини биламизми?

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларидан яна бири у зотни кўп эслаш билан бирга у зот зикр қилинганларида улуғлаш, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, муборак исмларини эшитганда хушу ва ўзини паст олишни намоён этишдир.

Исҳоқ Тужибий айтади: «Саҳобалар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан сўнг у зотни эслаганларида тавозуъли бўлиб, баданлари титрар ва йиғлаб юборардилар. Шунингдек, тобеинлар ҳам у зот соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган шавқларидан, ҳайбатланганларидан

шундай қилар эдилар».

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларидан яна бири - Аллоҳ таоло, Унинг Китоби, Расули, мусулмонларнинг бошлиқлари ва уларнинг оммалари учун “насиҳат” қилишдир.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

عَفُورٌ وَاللَّهُ سَبِيلٌ مِنَ الْمُحْسِنِينَ عَلَى مَا وَرَسُولُهُ لِلَّهِ نَصْحُوا إِذَا حَرَجَ يُفْقُونَ مَا يَحْدُوثُ لَا الَّذِينَ عَلَى وَلَا الْمَرْضَى عَلَى وَلَا الضَّعَفَاءَ عَلَى لَيْسَ



**Заифҳолларга, беморларга ва сарф-харажат қиладиган нарса топа олмаётганларга, Аллоҳга ва Расулига ихлосли бўлсалар, насиҳат қилсалар, гуноҳ йўқ. Чиройли амал қилувчиларни айблашга йўл йўқ. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир. (Тавба сураси, 91-оят)**

Аллоҳ ва Расулига насиҳат қилсалар, яъни, Аллоҳ ва Расулига иймон келтирсалар, уларни рози қиладиган амалларни қилишга қаттиқ интилиб, қилаётган амалларида ихлосли бўлсалар.

، ةل اسررلا ىلع هقىدصتف - ملسو وهىلع هللا ىلص - هللا لوسررل ةحىصنللا امأو ، ةاداعمو ، اتيمو وايح هترصنو ، وهىنو هرمأ يف هتعاطو ، هب اءام عيمجب ناميإلاو ثبو ، هتنسو وهتقيرط اءايحإو ، هريقوتو ، هقح ماظعإو ، هالاو نم ةالاومو ، هاداع نم يف هقفتلاو ، اهمولع ةراثتساو ، هنع ةمهتلا يفنو ، هتعيريشرشنو ، هتوعد ، هلالجإو ، اهماظعإو ، اهميلعتو اهملعت يف فطلتلاو ، هيلإ اءادللاو ، هيناعم ، هله لالاجإو ، ملع ريغب هيف مالكللا نع كاسمإلاو ، هتءارق دنع بدأتلاو هتيب له ةبحمو ، هبادآب بدأتلاو ، هقالخأب قلختلاو ، هيلإ مهباستنال كلذوحنو ، هباحصأ نم دحل ضرعت وأ ، هتنس يف عدتبا نم ةبناجمو ، هباحصأو

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам учун насиҳат қилиш дегани - рисолатларини тасдиқ этиш, келтирган барча нарсаларига иймон келтириш, буйруқ ва қайтариқларида у зотга бўйсунуш, ҳаёт бўлган ва вафот этган ҳолларида ҳам у зотга ёрдам бериш, у зот душман деб билганларни душман билиш, дўст деб билганларини дўст тутиш, ҳақларини улуғ ҳисоблаш, у зотга ҳурмат эҳтиром кўрсатиш, суннатларини тирилтириш, муборак даъватлари ва шариатларини ёйиш, шариатга бўладиган тухматни кетказиш, унинг илмларини афзал кўриб, маъноларини чуқур фаҳмлаш ва унга чорлаш, шариат илмларини ўрганиш ва ўргатишда хушмуомала бўлиш, ушбу илмларнинг ҳурматини сақлаш ва

улуғлаш, ўқийётганда одобли бўлиш, шариат борасида илмсиз гапиришдан тийилиш, унга алоқадор бўлганлари боис унинг аҳлини ҳам ҳурмат қилиш. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг одоблари ила одобланиш, хулқлари ила хулқланиш, саҳобалари ва аҳли байтларини яхши кўриш, суннатларида бирон бидъатни пайдо қилган ва саҳобаларга қарши бўлганлардан узоқда бўлиш ва шу кабилар. (*“Шарҳу Саҳиҳи Муслим” Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ*)

Бу ўринда зикр қилинган айрим амалларнинг тафсилотлари ва амалий мисолларини аввалги қисмларда қисқача келтириб ўтдик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларини биламизми ?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларидан яна бири - у зот яхши кўрган инсонларни яхши кўришдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайн розияллоҳу анҳумо ҳақларида шундай марҳамат қилганлар: «Аллоҳим! Иккисини яхши кўраман, Сен ҳам икковларини яхши кўргин».

*Имом Бухорий ривояти.*

«Сен ҳам икковларини яхши кўргин», яъни уларнинг ҳидоят ва тавфиқларини зиёда қил, охирларини хайрли ва борадиган жойларини гўзал қилгин, деган маънода. Зеро, Аллоҳ таоло бу неъматларни Ўзи яхши кўрган бандаларига беради.

Ҳасан розияллоҳу анҳу ҳақларида эса: «Аллоҳим! Мен уни яхши кўраман. Уни яхши кўрганни Сен ҳам яхши кўргин», деган эдилар.

Бу ҳадиси шарифда Ҳабибимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан розияллоҳу анҳуни яхши кўрган кишини Аллоҳ таоло ҳам яхши кўриши сўраб дуо қилмоқдалар. Ушбу дуо мушарраф бўлиш учун нима қилишимиз лозимлиги ҳам баён этилди.

دَقْفِ امْهَضْغَبًا نَمُو ، هَلَلْ بِحَاقِ دَقْفِ يَنْبَحْ نَمُو ، يَنْبَحْ اَدَقْفِ امْهَبْحَاقِ نَمُو : لِقَاو  
هَلَلْ ضَغْبًا دَقْفِ يَنْبَحْ نَمُو ، يَنْبَحْ اَدَقْفِ امْهَبْحَاقِ نَمُو .

«Кимки икковларига муҳаббат қилса, батаҳқиқ, (худдики) мени яхши кўрибди. Ким мени (ҳақиқатда) севса, дарҳақиқат, Аллоҳ таолони яхши кўрибди. Ким уларни ёмон кўрса, мени ёмон кўрибди. Ким мени ёмон кўрса, батаҳқиқ, Аллоҳ таолони ёмон кўрибди», дедилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яхши кўрган зотларни ёмон кўриш бадбахтлик аломати эканини билиб олишимиз зарур.

يحبب فمهبأ نمف ، يدعب اضرع مهوذختت ال ، يباحصأ يف ه ل ل ه ل ل : لاقو  
دق ف ي ن ا ذ آ ن مو ، ي ن ا ذ آ دق ف م ه ا ذ آ ن مو ، م ه ض غ ب أ ي ض غ ب ب ف م ه ض غ ب أ ن مو ، م ه ب ح أ  
ه ذ خ أ ي ن أ ك ش و ي ه ل ل ي ذ آ ن مو ، ه ل ل ي ذ آ

«Саҳобаларим борасида Аллоҳдан кўрқинг! Мендан сўнг уларни нишон қилиб олманглар. Бас, ким уларни яхши кўрса, менга бўлган муҳаббати боис яхши кўрибди. Энди ким уларни ёмон кўрса, мени ёмон кўргани туфайли уларни ёмон кўрибди. Ким уларга азият берса, батаҳқиқ, менга азият берибди. Ким менга азият берса, Аллоҳ таолога озор берибди. Энди ким Аллоҳга азият берса, Аллоҳ таоло уни азобла тутишига яқин қолур.

*Имом Термизий ривояти.*

«Саҳобаларим борасида Аллоҳдан кўрқинг!», яъни уларни ёмонлик билан зикр қилманг. Зеро, улар мен суйган кишилардир.

«Мендан сўнг (яъни, йўқлигимда ёки вафотимдан сўнг) уларни нишон қилиб олманглар». Яъни, ёмон сўзлар учун уларни нишон қилиб олманг.

«Аллоҳ таолога озор берибди». Яъни, Аллоҳ таоло унинг ишидан ғазабланади ва ёмон кўради.

Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

﴿٥٧﴾ مَهِينًا عَذَابًا لَهُمْ وَأَعْدَّوَالْآخِرَةَ الدُّنْيَا فِي اللَّهِ لَعْنَهُمْ وَرَسُولُهُ. اللَّهُ يُؤَذِّنُ الَّذِينَ إِنَّ

**Албатта, Аллоҳга ва Унинг Расулига озор берадиганларни Аллоҳ бу дунё ва охирада лаънатлади ҳамда уларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйди.** (Аҳзоб сураси, 57-оят)

اهبضعأ ام ي نبضعغي ، ي نم ةعضب اه ن ا : - اه ن ع ه ل ل ا ي ضر - ةم ط ا ف ي ف ل ا ق و

Жаннат аҳли аёлларининг саййидаси бўлган Фотима розияллоҳу анҳо ҳақларида эса шундай марҳамат қилган эдилар: «У менинг бир бўлагимдир. Уни ғазаблантирган нарса мени ҳам ғазаблантирур».

*Имом Бухорий ва бошқалар ривоят қилишган.*

ه ب ح أ ي ن ا ف ه ي ب ح أ : د ي ز ن ب ة م ا س أ ي ف ة ش ئ ا ع ل ل ا ق و

Оиша розияллоҳу анҳо онамизга Усома розияллоҳу анҳу ҳақларида: «Уни яхши кўргин! Мен уни яхши кўраман», деганлар. Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг Усома розияллоҳу анҳунинг оталари Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳуга бўлган муҳаббатлари ҳам ўзгача бўлган.

مہضغب قافلہ آو ، راصنألہ بح نامہ إله آي : لاقو

Яна Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар: «Ансорларни яхши кўриш иймон аломати. Уларни ёмон кўриш нифоқ аломати».

Ансорлар розияллоҳу анҳумни ҳақиқий мўмин инсонгина яхши кўради. Уларни мунофиқгина ёмон кўради. Бугунги кунимизда ҳам Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васалламнинг муборак суннатларига эргашиб уни тирилтиришга ҳаракат қиладиган мусулмонларни ёмон кўрадиганлар йўқ эмас. Бундай кимсалар ўзларини мусулмонман деб даъво қилсаларда, қалбларида нифоқ бор.

يضعببف مہضغبأ ن مو ، مہبأحي ببحبف برعألہ بحأ ن م : رمع ن با ثي دح ي فو  
مہضغبأ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумнинг ҳадисларида Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам шундай деган эдилар: «Ким арабларни яхши кўрса, менга бўлган муҳаббати боис яхши кўрибди. Ким уларни ёмон кўрса, мени ёмон кўрганидан уларни ёмон кўрган бўлади».

Зеро, охири замон пайғамбари, анбиё ва расулларнинг энг афзали бўлган зот Расулуллоҳ соллалоҳу алайҳи васаллам араблардан чиқишларини Аллоҳ таоло ихтиёр этди. Уларнинг солиҳларини яхши кўрамиз. Уларни ёмон кўрган кимсаларнинг оқибати ёмон бўлишидан қўрқилади.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатимизни зиёда қилсин! Омин!

*(Давоми бор)*

**Мир Араб олий мадрасаси 3-босқич талабаси Солиҳов Дилшод**